

**Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта
махсус таълим вазирлиги
Бухоро давлат университети**

**ТИЛ, АДАБИЁТ, ТАРЖИМА, АДАБИЙ
ТАНҚИДЧИЛИК: ЗАМОНАВИЙ ЁНДАШУВЛАР
ВА ИСТИҚБОЛЛАР**

**мавзусидаги халқаро илмий-амалий анжуман
материаллари**

ТЎПЛАМИ

Бухоро - 2022

«Тил, адабиёт, таржима, адабий танқидчилик: замонавий ёндашувлар ва истиқболлар» халқаро илмий-амалий анжумани материаллари. Бухоро – 2022. - 300 бет

Бухоро давлат университетида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 7 мартдаги 101-ф-сонли фармойиши билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасида 2022 йилда халқаро ва республика миқёсида ўтказиладиган илмий ва илмий-техник тадбирлар режасида белгиланган тадбирларнинг бажарилиши мақсадида 2022 йил 15 апрел куни **“Тил, адабиёт, таржима, адабий танқидчилик: замонавий ёндашувлар ва истиқболлар”** мавзусидаги халқаро илмий-амалий анжумани бўлиб ўтади.

Масъул муҳаррир:

Менглиев Баҳтиёр Ражабович – филология фанлари доктори, профессор

Таҳрир хайъати:

Н.Б. Атабоев, О.М.Файзуллаев, М.Б. Аҳмедова, З.Р. Собирова, Л.Ж. Жалилова

Тақризчилар:

Жўраева Малоҳат Муҳаммадовна – филология фанлари доктори,
профессор

Қаршибаева Улжан Давировна - филология фанлари доктори, профессор

Мақолаларни тўпловчи ва нашрга тайёрловчи Инглиз адабиётшунослиги кафедраси доценти, ф.ф.ф.д. М.Б.Аҳмедова

Ушбу тўпلامда жамланган мақолалар хорижий тилларни ўқитишнинг замонавий ёндашувлари ва истиқболлари, корпус лингвистикаси масалалари, медиалингвистика ва лингвистик тадқиқотлар, қиёсий адабиётшуносликнинг долзарб муаммолари, Ўзбекистонда таржима мактаби яратиш ва уни ривожлантиришда инновацион ғоя ва технологияларни қўллаш масалалари доирасида мутахассисларнинг тажриба ва фикр алмашинувини таъминлашга хизмат қилади.

hedonic power that it brings her. Unfortunately, this also plays a part in her downfall. Unlike Jane who rejected hedonic power and was uncomfortable with Rochester's attempts to clothe her in expensive dresses and jewels, Antoinette enjoys adorning herself: "She seemed pleased when I complimented her on her dress and told me she had it made in St Pierre, Martinique. "They call this fashion à la Josephine." "You talk of St Pierre as though it were Paris," I said. "But it is the Paris of the West Indies." Antoinette is not only pleased that Rochester complimented her but she is also aware of fashion trends and has her dresses made in the Paris of the West Indies.

USED LITERATURE

1. Austen Eliot. Charlotte Bronte. The Mentor-Lover. Patricia Menon. Palgrave. Macmillan. 2003. Pp. 34-50
2. Azim Firdous. The Colonial Rise of the Novel. Routledge. London and New York. 1993.
3. Bender Todd K. Literary Impressionism in Jean Rhys, Ford Madox Ford, Joseph Conrad, and Charlotte Bronte. New York and London. Garland Publishing, Inc. 1997.- P. 96
4. Charlotte Bronte. Jane Sellars. Oxford University Press. 2000. P. 46
5. Charlotte, Bronte. Jane Eyre. Beijing: Foreign Language Press. 2002. Pp. 64-421

Таржимада вариантлик ва инвариантлик тамойиллари

Каримова Дилафрўз Ҳалимовна,

Немис ва француз тиллари кафедраси мудири, БухДУ

Сўнгги йилларда тилшуносликда моҳият ва ҳодиса тушунчалари ҳамда улар замиридаги **инвариант ва вариантлик** атамалари жуда кенг қўлланиладиган бўлиб қолди. Қатор фанларда бу тушунчаларнинг ўзига хос ўрганилиши, табиий равишда, тадқиқотларда турлича фикрлар, йўналишларнинг вужудга келишига сабаб бўлди.

Инвариант назариясининг вужудга келиши гносеология учун катта аҳамиятга эга бўлди. Чунки у инъикос назариясини чуқурлаштирди ва унга аниқлик киритди.

Инвариантлик тушунчасининг ҳамда **инвариантлик** тамойилларнинг атрофлича ўрганилиши қатор фанлар доирасида кузатилади.

Г.С.Щур таъкидлашича, бир-бирига ўхшаш ғоя ва тушунчалар бир вақтнинг ўзида алоҳида-алоҳида бирлик билан номланади. Шунинг учун барча соҳа тадқиқотчиларининг изланишлари маълум босқичда алоҳида соҳа ёки фан учун хос бўлган қонуналарга нисбатан умумийроқ бўлган қонуниятларнинг вужудга келиши билан муҳимдир. Бундай тамойилларга муайян объектда у ёки бу хоссаларнинг бошқа хоссалар ўзгаришидан қатъий назар, узоқ вақт ўз хусусиятини сақлаб қолиш тамойили бўлган инвариантлик тамойили киришини ҳам кўрсатади.

Инвариант тушунчаси дастлаб математика доирасида ўрганилиб, кейинчалик тилшуносликка ўтган деган қарашга қарши чиқиб, Р.Якобсон бу тушунча Қозон тилшунослик мактабида математика билан бир вақтда юзага келган, деб ҳисоблайди. Таъкидлаш керакки, гарча бу тушунча математика доирасида олдинроқ юзага келган бўлса-да, бу билан унинг моҳияти ўзгармайди.

XIX асрнинг ўрталаридан бошлаб математикада қўлланилиб келинган бу тушунча Ф.Клейн номи билан боғланади. Машҳур физик олим А.Д.Урсу эса физик ҳодисалар замирида инвариант назариясини очиб берди. Урсунинг инвариантликнинг алоҳида турлари турлича ўзаро таъсир (ёки алоқалар) асосида мавжуд эканлигини ёритиши, инвариантлик тамойили турли хил табиатга эга бўлган ҳодисаларнинг умумий хусусиятлари воситасида бирлашиш тамойили сифатида талқин этиши инвариантликни гносеологик тамойил деб қарашга етарли асос бўлади.

Инвариантлар назариясига кўра бевосита нисбий образлар инсон ҳиссий органлари билан қабул қилинган объектнинг акси бўлади. Объект акс этишининг ҳақиқийлиги шунда кўринадики, инвариантлар объектларнинг характеристикасидир, бу характеристикалар субъект ва ташқи ўзгаришларга боғлиқ эмас.

Инвариант тушунчасини оддийроқ тарзда ифодалаш учун Гегелнинг биз олма, ўрик, гилосни тановвул қиламиз, бироқ мевани истеъмол қила олмаймиз, деган фикрини келтириш ўринлидир.

Р.Якобсон фикрича, инвариантлик муаммоси замонавий тилшунослик ривожининг асосий тушунчаларидан саналади.

Инвариант атамаси тилшуносликда, жумладан, шундай таърифланади: “инвариант тил абстракт системасининг унинг аниқ юзага чиқишидан ажралган тарзда бўлган элемент сифатида эмас”.

Инвариантлик хусусияти маълум нарсани шунга ўхшаш бошқа нарсада мавжуд бўлган умумий хусусиятини кўрсатади. Вариантлик эса инвариант хусусият билан бир синфга бирлашган предметлардан фақат биттаси учун хос бўлган хусусиятни намоён қилади.

Вариантлар ўртасидаги ва инвариантнинг вариантлар билан муносабатини турлича тушуниш натижасида тилшуносликда инвариант – вариантлик тушунчасини турли ҳолда талқин этиш юзага келди.

Лексик сатҳда инвариант лексема бўлиб, лексемалар бевосита кузатишда лексик-семантик вариантлар – ЛСВ ҳолида намоён бўлади. Ҳар қайси ЛСВ лексеманинг барча шакли, яъни моддий қиёфасини ва семаларини эмас, балки шакли ва маъноларидан биттасини гавдалантиради. Баъзи лингвистлар, жумладан, Ш.Рахматуллаев мазмуний вариант учун **семема**; шаклий инвариант учун **лексема** атамаларини тавсия қилади. Демак, вариантларни ҳам маъно ва шакл жиҳатидан фарқлаш лозим бўлади.

Қисқаси, тилнинг барча соҳалари учун умумийлик-хусусийлик, моҳият-ҳодиса диалектикаси амал қилади. Умумийлик, моҳият – инвариант хусусийликлар, вариантлар орқали намоён бўлади. Инвариант ва вариантлар бир қатордаги ҳодисалар эмас, балки турли қатордаги, икки босқичга мансуб ҳодисалардир. Инвариантнинг намоён бўлиш шакллари вариантлар экан, демак, инвариантлар-вариантлар умумлашмасидир. Вариантлар қаторида ҳеч бири бошқасига инвариант бўла олмайди. Меъёр ва инвариант тушунчалари бошқа-бошқа тушунчалардир.

Бевосита сезги органларимизга таъсир қиладиган, муайян моддий шаклга эга бўлган реал ҳодисалар нутқий бирликлар саналади. Нутқий бирликлар муайян физик хоссага эга бўлиб, муайян макон ва замонда муайян нутқий вазиятда талаффуз қилинувчи ва қулоғимиз билан эшитувчи бирликлардир. Бевосита кузатишда юерилган ана шундай нутқий бирликларнинг ақлий даражасида, умумий тил бирликларини характерлаш учун имконият яратади.

Фонема ва товуш муносабати **инвариант-вариант** диалектикасини ўзида акс эттиради. Дарҳақиқат, умумийлик-хусусийлик, моҳият-ҳодиса, имконият-воқелик диалектикасининг тилда намоён булишини ифодалаш учун тилшунослар кўпинча инвариант-вариант атамаларидан фойдаланадилар. Инвариантлик тушунчаси тилшуносликка фалсафадан кириб келган бўлиб, барқарор, ўзгармас белгилар йиғиндиси деган маънони билдиради. Фалсафий тушунча сифатида инвариантга кўриниш (вариант) атамаси зиддиятга қўйилади. Бу зидланиш Л.Ельмслев асарларида ёрқин ифодасини топган. Унинг таъкидлашича, матннинг кўп жойларида «айни бир хил» қўшма гаплар,

«айни бир хил» содда гаплар, «айни бир хил» сўзлар ва ҳоказолар учрайди. Бошқача айтганда, ҳар бир қўшма гапнинг, ҳар бир содда гапнинг, ҳар бир сўзнинг бир қанча намуналари учрайди. Ана шу бир қанча намуналар вариантлар, бу вариантлар ортидаги моҳият эса инвариант саналади.

Демак, ҳар бир инвариант бир қанча вариантлар орқали воқеланади, юзага чиқади. Фонологик сатҳда фонема моҳият, имконият сифатида реал нутқий жараёнда бир қанча вариантлар орқали юзага чиқади. Бу ҳолатда биз тил ва нутқ фарқланишини яна бир қарра кузатгандай бўламиз. Дарҳақиқат, тил ва нутқ фарқланиши нафақат дунё тилшунослигида машҳур бўлган В.Гумбольдт, Ф.де Соссюр ёхуд қадимги ҳинд тилшунослиги билан, балки Мир Алишер Навоий номи билан ҳам боғланади. Бобокалонимиз «Муҳокамат-ул лугатайн» асарида дарё тубидаги дурни имконият деб баҳолайди. Ғаввос дурни сув юзасига олиб чиққандагина у ўз жилвасини намойиш қилади. Шунингдек, сўз ҳам кўнгулда (хотирада) имконият тарзида туради. Унинг имконияти сўзловчи томонидан нутқ занжирида воқеликка айлантиради.

Фонемани **инвариант**, товушни **вариант** сифатида қуйидагича тушуниш мумкин. «Қалам», «катта» сўзларида 4 та «а» товуш бўлиб, буларнинг барчаси «а» фонемаси инвариантида мавжуд бўлган «қуйи кенглик», «лабланмаганлик» белгисига эга, шу белгилар нутқда воқеланади ва «а» фонемасининг вариантлари саналади. Аммо «қалам» сўзидаги «а» да мавжуд бўлган қаттиқлик, «катта» сўзидаги «а»нинг юмшоқлиги инвариантдан жой ололмайди, улар нутқ жараёнида «қ» ва «к» товушлари таъсирида ҳосил қилинади. Худди шундай «китоб» сўзида «б» нутқда «п» тарзида талаффуз қилинади, яъни жарангсизлашади. Бу «б» фонемасининг варианты эмас.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ельмслев Л. Метод структурного анализа в лингвистике. М., 1960, стр. 52;
Солнцев В. М. Язык как системно-структурное образование. М., 1961. стр. 217—218. –
2. Раҳматуллаев Ш. Семема — мустақил тил борлиги. — Ўзбек тили ва адабиёти, 1984, 5-сон.
3. Нурмонов А. Лисоний бирликларда умумийлик-хусусийлик, моҳиятгўҳодиса диалектикаси. — Ўзбек тили ва адабиёти, 1995, 1-сон.
4. Уреул А. Д. Теоретико-познавательное значение принципа • инвариантности. — Сб. «Симметрия, - инвариантность, структура» (Философские очерки). М., 1967, стр. 272.

Насридинова Ситора Уткировна, М.Р.Киличева. О.ХЕНРИ ҲИКОЯЛАРИНИНГ ЎЗИГА ХОС ЁЗУВ УСЛУБИ.....	131
Kholmurodova Osiyo Iskandarovna. A.QODIRIYNING "O'TGAN KUNLAR VA MENROBDAN CHAYON" ASARLARINING INGLIZCHA TARJIMA TURLARIDAGI FRAZEOLOGIK BIRLIKLAR VA ULARNING MADANIY XUSUSIYATLARI.	134
Raximova Nilufar G'iyosovna. "ALISA MO'JIZALAR MAMLAKATIDA" ERTAK MATNIDA ALLEGORIK TUSHUNCHALAR	136
Kamolova Feruza. THE ROLE OF SETTING IN ANGELA CARTER'S "NIGHTS AT THE CIRCUS"	138
Erkaeva Dilnoza Baxtiyorovna. FILM DISCOURSE IN THE CONTEMPORARY WORLD: SEMIOTICS AND ANALYSIS	139
Rakhimova Ugiloy Akbarovna. JANE EYRE AND WIDE SARGASSO SEA'S TREATMENT OF FEMINISM AND ITS REFLECTION IN CHARACTER ANALYSIS.....	142
Каримова Дилафрўз Ҳалимовна. Таржимада вариантлик ва инвариантлик тамойиллари.....	146

3 – ШЎЪБА. АДАБИЙ ТАНҚИДЧИЛИК, АДАБИЙ ЖАРАЁНЛАР, АДАБИЁТДА МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТ ВА МАЪНАВИЯТ МАСАЛАЛАРИ..... 146

Ahmedova M.B. "MA'NAVIYAT" TUSHUNCHASINING TAHLIL ETILISHI VA TURLICHA TALQINLARI	149
Давронова Шоҳсанам Ғайбуллоевна. ИСАЖОН СУЛТОН ИЖОДИДА БАДИИЙ ОБРАЗ ТАБИАТИ ВА УСЛУБ МАСАЛАСИ ("ОНА ЮРТ СОҒИНЧИ" ҲИКОЯСИ МИСОЛИДА).....	151
Kasimova Ra'no Raxmatulloevna, O'roqova Mexriniso O'ktamovna. ARTUR KONAN DOYLNING "YO'QOLGAN DUNYO" ASARIDA ILMIY-FANTASTIKA JANRI IFODASI	154
Адизова О.И. БАДИИЙ АСАРЛАРДА БИОГРАФИК МЕТОД АСОСИДА ИЖОДҚОР ШАХСИЯТИНИНГ АКС ЭТТИРИЛИШИ	156
Амонова Зилола Қодировна. ҲОФИЗ ХОРАЗМИЙ ИЖОДИДА МАНСУР ХАЛЛОЖ ТИМСОЛИ.....	160
Mekhriniso Rajabovna Kilicheva. SELF-HELP GENRE: FACTORS AND GENDER READERSHIP	163
Qodirova Nasima Saidburxonovna, Abdullayeva Farangiz Azim qizi. JO'RA FOZIL NIKOYALARI POETIKASI XUSUSIDA.....	165
Hojiyeva Gulchehra Salimovna. SAN'ATGA OID LISONIY BIRLIKLAR TARJIMASIDA LEKSIK-SEMANTIK XUSUSIYATLAR.....	168
Vozorova Rufina Sharopovna. TARJIMA QILISHDA VA'ZI YONDASHUVLAR.....	171
М.Таирова. НЕКОТОРЫЕ ЛЕКСИЧЕСКИЕ ОСОБЕННОСТИ ДЕЛОВОГО ФРАНЦУЗСКОГО ЯЗЫКА.....	174
Сайфуллоев Бахшилло Нематуллоевич. ФРАНЦУЗ-ЎЗБЕК АДАБИЙ АЛОҚАЛАРИДА ТАРЖИМОН МАҲОРАТИ (АЛБЕР КАМЮНИНГ "ВАБО" АСАРИНИНГ ЎЗБЕКЧА ТАРЖИМАСИ МИСОЛИДА).....	176
Ходжиева Нигина. ЛЕКСИКА ФРУКТА В ЛИРИКЕ АЛИШЕРА НАВАИ.....	179
Safarova Zarina G'iyosovna, Sayliyeva Gulrux Aynidinovna. THE GRAMMATICAL ANALYSIS OF METAPHOR AND SIMILE IN THE LITERATURE	181
Sabirova Sabina Olimovna. THE CLASSIFICATION OF COMPLEX SENTENCES IN FRENCH.....	183
Gulnoza Jumaeva Izatulloevna. THEORY OF LACUNA AND THE PROBLEMS OF TRANSLATION EQUIVALENCE	186
Gulruh Jurakulova. DESCRIPTION OF THE THEME EDUCATION IN THE NOVEL "JANE EYRE" BY CHARLOTTE BRONTË.....	188